НИЯЗАЛИЕВ Б.И., КАРИМОВ М., ОТАҚУЛОВА Д. Қизилқум фосфоритлари асосида тайёрланган оганоминерал ўғитлари (ОМУ) таркибидаги озика моддаларни (НРК) пахта толасини технологик сифат кўрсаткичларига таъсири.....	250
НИЯЗАЛИЕВ Б.И., ТАДЖИЕВ С.М., ТИЛЛАБЕКОВ Б.А. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган таркибида мис ва молибден микроэлементи бўлган фосфорли ўғитни ғўзада қўллаш.....	252

АБДУРАХМОНОВ Э.Б., АБДУРАХМОНОВ Х.Э., САИДОВ Ж.И., МЕЛИКОВ Х., РАХМОНОВ Ш. Қатор оралиги кенглиги ва туп сонларининг ер ёнгок ҳосилини шаклланишига таъсири.....	196
ТЕШАЕВ Ф.Ж., АБДУРАХМАНОВ У.З., БОЙҚОБИЛОВ Т.Ч. Янги маҳаллий дефолиантларнинг ғўза барглари тўкилиши, кўсаклари очилиши ва пахта ҳосилига таъсири.....	199
АБДУРАХМОНОВ Х.Э. Чилпиш усуллари, муддатларига боғлиқ ҳолда дефолиантлар қўллашнинг самарадорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири.....	204
ИЗБАСАРОВ Б. Возделывание фасоли как повторная культура.....	207
УМБЕТАЕВ И., БИГАРАЕВ О.К., КОСТАКОВ А.К. Глифосадные гербициды в борьбе с сорняками на посевах хлопчатника.....	211
УМБЕТАЕВ И., ГУСЕЙНОВ И.Р., МАХМАДЖАНОВ С.П. Получение высококачественных посевных семян хлопчатника.....	214
ИМИНОВ А.А., ХАЛИКОВ Б.М., НАМОЗОВ Ф.Б., БОЗОРОВ Х. Галладан бўшаган майдонларда дуккакли-дон экинлари етиштиришнинг самарадорлиги.....	217
ИМИНОВ А.А. Такрорий ва аралаш сидерат экинларнинг ғўза ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсири.....	221
АБДУЛЛАЕВ Ж.У., ДЖУМАЕВ Ш.Б. Қашқадарё вилояти тақирсимон тупроқлари шароитида ишлов бериш чуқурликларининг ғўза ҳосили ва унинг сифатига таъсири.....	225
ДЖУМАЕВ Ш.Б. Қашқадарё вилояти қарши саҳроси шароитида ёғин миқдори ва самарали ҳарорат йиғиндиси.....	230
ДЖУМАЕВ Ш.Б., РАҲМАТОВ И.М., ТЕМИРОВ И.К. Қашқадарё вилояти шароитида яратилган СП-2602 ғўза нави тавсифи ва парваришlash агротехнологияси.....	239
НЕГМАТОВА С.Т., ХАЛИКОВ Б.М. Чуқур ишлов ва пахта ҳосили.....	241
БЕКБАНОВ Б.А., БЕРДИКЕЕВ Б.Б., ПАЛУАНОВ С.У. Испытание различных сортов нута в условиях каракалпакстана.....	244
МИРЗАЕВ Л.А., ДАВЛЕТМУРАДОВ М. Жанубий қорақалпоғистон шароитида минерал ўғитлар меъёрларини кузги бугдой ҳосилдорлигига таъсири.....	246
НИЯЗАЛИЕВ Б.И., КАРИМОВ М., ОТАҚУЛОВА Д. Қизилқум фосфоритлари асосида тайёрланган оганоминерал ўғитлари (ОМУ) таркибидаги озика моддаларни (НРК) пахта толасини технологик сифат кўрсаткичларига таъсири.....	250
НИЯЗАЛИЕВ Б.И., ТАДЖИЕВ С.М., ТИЛЛАБЕКОВ Б.А. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган таркибида мис ва молибден микроэлементи бўлган фосфорли ўғитни ғўзада қўллаш.....	252

ҚИРҒИЗБОЕВ Қ., АБДУРАҲМОНОВ И. Тупроққа минимал ишлов бериш технологиясининг тупроқ намлиги ва суғориш тартибларига таъсири.....	146
ХАСАНОВ М.М. Томчилатиб суғориш усулида маккажўхорини парваришлаш.....	151
ХАСАНОВ М.М., МАЪРУФХАНОВ Х. Бошокли ва дуккакли дон экинларини суғориш тартиби.....	153
ХОФИЗОВ Б.Т., МУСУРМОНОВ Р.К. Сув тежамкорлигига эришиш йўллари ва усуллари.....	155
ШАДМАНОВ ДЖ.К., КАРИМОВ Ш.А., МАМАТАЛИЕВ И.Ч., ХОЛЖИГИТОВ У.Б. Шўрланган тупроқларда кузги бугдойни турли суғориш техникаси элементларини ишлаб чиқишнинг бугдойнинг ўсиш ривожланишига таъсири.....	159
IX-СЕКЦИЯ ҒЎЗА ВА ҒЎЗА МАЖМУИДАГИ ЭКИНЛАРДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА МАНБА ТЕЖОВЧИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ	
ДЖУМАНИЯЗОВА Ю.А., ИБРАГИМОВ Н.М. Прогнозирование урожайности озимой пшеницы с использованием агрономической модели cropsyst.....	163
ТЕШАЕВ Ф.Ж., АЛЛАНАЗАРОВ С.Р. Кузги бугдойнинг дон ҳосилдорлигига сеникация ва десикациянинг таъсири.....	166
НАЗАРОВ Р. Фотосинтез и продуктивность растений.....	168
НАЗАРОВ Р. Погода и развитие хлопчатника.....	171
АВЛИЁҚУЛОВ М.А., АВЛИЁҚУЛОВ А.Э. Истикболда янги, истикболли ғўза навларининг вилоятлар бўйича экилиши-жойлаштирилиши.....	175
АТОЕВ Б.Қ. Минерал ўғитларнинг кузги бугдой майсаларига таъсири.....	179
БЎРИЕВ Я., АБДУЛЛАЕВ Ж.У. Кузги бугдойдан кейин мош етиштириш агротадбирлари.....	183
БЎРИЕВ Я., АБДУЛЛАЕВ Ж.У. Қарши чўлининг тақирсимон тупроқлари шароитида кунжутнинг халк хўжалигидаги ахамияти ва ҳосилдорлиги.....	186
КАДИРОВ Ш.Ю., ҲАМРАЕВ Н.У. Хоразм вилоятида кузги бугдой навлари интродукцияси.....	189
ОЧИЛДИЕВ Н.Н., ТОЖИЕВ М., ТАДЖИЕВ К.М. Кузги бугдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги.....	192
БЕКБАНОВ Б.А., САДИКОВ Е.П., НАГМЕТОВ О.Н., БЕРДИКЕЕВ Б.Б., ПАЛУАНОВ С.У. Выявления зимостойких форм, сортов и образцов озимой пшеницы в экстремальных условиях республики каракалпакстан.....	194

миқдори 0,06-0,21 % га, калий 0,06-0,18 % га, чанокда азот миқдори 0,09-0,15 % га, фосфор миқдори 0,15-0,39% га, калий 0,0-0,18 % га, илдиз таркибида азот миқдори 0,06-0,12 % га, фосфор миқдори 0,08-0,13 % га, калий 0,05-0,15% га, пахтада азот миқдори 0,03-0,06% га, фосфор миқдори 0,03-0,08 % га, калий 0,05-0,11 % га кўпроқ тўплангани аниқланди. Таркибида мис ва молибден бўлмаган фосфорли ўғитлардан PS-Агро ва суперфосфат ўғити қўлланилган 2 ва 3 вариантларда эса мис ва молибден қўлланилган 4, 5, 6, 7 вариантларга нисбатан баргда умумий азот миқдори 0,01-0,08% га, фосфор миқдори 0,08-0,15% га, калий миқдори 0,05-0,15% га, пояда умумий NPK миқдорлари тегишли равишда 0,02-0,10; 0,0-0,18; 0,0-0,09% га, чанокда умумий NPK миқдорлари тегишли равишда 0,0-0,14; 0,09-0,33; 0,0-0,18 % , илдиз таркибида умумий NPK миқдорлари 0,01-0,09 ; 0,04-0,11; 0,0-0,10% га, пахтада умумий NPK миқдорлари 0,0-0,04; 0,0-0,06 ва 0,0-0,08 % га камроқ бўлди (1-жадвал). Демак, олинган натижалар бўйича ғўзанинг ўсиб ривожланиши, ўсимлик томонидан озика моддаларни ўзлаштирилиши учун нисбатан мақбул шароит $N_{200} K_{100}$ кг/га фониди, таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) 100 кг/га дан шудгорда ва 40 кг/гадан шоналашда ёки гуллашда қўлланилганда яратилиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белоусов М.А. Роль микроэлементов в корневом питании хлопчатника. Книга физиологические основы корневого питания хлопчатника.// Ташкент. Издательство «ФАН» 1975.-С.201-218.
2. Исаев Б.М. Физиологические и агрохимические основы питания хлопчатника микроэлементами.// Ташкент, 1979.260 с.
3. Каримбердиева А.А., Холикназаров Д.Н., Кузиев Ж.М. Колматажли тупрокларнинг агрохимёвий хоссалари ва микроэлементлар билан таъминланганлиги.//Тупрок унумдорлиги ва кишлок хўжалиги экинлари хосилдорлигини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. Тупрокшунос олим, профессор Мажид Умаровнинг 100 йиллигига бағишланади. Тошкент, 2014.130-132б.
4. Круглова Е.К., Алиева М.М., Кобзева Г.И., Попова Т.П. Микроэлементы в орошаемых почвах Узбекской ССР и применение микроудобрений//Ташкент, Издательство «ФАН» 1984.252 с.
5. Мирзажонов Қ.М., Ғофуров А. Микроэлементларнинг ўсимликларга комплекс таъсири тўғрисида. // “Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш истиқболлари” номли Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2014йил, 11-12 декабрь) . Тошкент, 2014.40-46 б.

Таркибида мис ва молибден бўлган ва бўлмаган фосфор ўғитлари қўлланилганда ўсимлик таркибидаги озик
 моддалар микдорига таъсири (%),

Вариант тартиби	Ўза ўсув даври охири														
	барг			поя			чанок			илдиз			пахта		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	1,07	0,46	1,95	0,31	0,38	2,64	0,58	0,41	2,10	0,20	0,40	1,95	2,10	0,90	0,95
2	1,12	0,53	2,10	0,33	0,41	2,64	0,59	0,47	2,10	0,23	0,42	2,00	2,12	0,92	0,98
3	1,14	0,56	2,11	0,36	0,44	2,73	0,67	0,47	2,28	0,25	0,44	2,01	2,13	0,93	1,00
4	1,20	0,68	2,25	0,41	0,47	2,82	0,73	0,80	2,28	0,32	0,53	2,10	2,16	0,98	1,06
5	1,17	0,66	2,20	0,43	0,59	2,80	0,70	0,56	2,19	0,28	0,51	2,01	2,14	0,94	1,02
6	1,19	0,66	2,21	0,38	0,47	2,73	0,71	0,62	2,28	0,30	0,50	2,00	2,15	0,96	1,04
7	1,15	0,64	2,16	0,41	0,44	2,70	0,67	0,56	2,10	0,26	0,48	2,00	2,13	0,93	1,00

экилди. Тажриба 7 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда олиб борилди ҳамда бу вариантлар дала шароитида қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

1-вариант $N_{200}P_0K_{100}$ кг/га;
2-вариант $N_{200}P_{140}(PS-Агро)$ K_{100} кг/га;
3-вариант $N_{200}P_{140}$ (суперфосфат) K_{100} кг/га;
4-вариант $N_{200}P_{140}$ (суперфосфат+мис+молибден- P_{40} кг/га шоналашда) K_{100} кг/га;
5-вариант $N_{200}P_{140}$ (суперфосфат+ молибден- P_{40} кг/га шоналашда) K_{100} кг/га;
6-вариант $N_{200}P_{140}$ (суперфосфат+мис+молибден- P_{40} кг/га гуллашда) K_{100} кг/га;
7-вариант $N_{200}P_{140}$ (суперфосфат+мис+молибден- P_{40} кг/га гуллашда) K_{100} кг/га;

Шунингдек, 4 ва 6 вариантда P_2O_5 - оддий суперфосфат ўғитига мис ва молибден ($Cu-1-2$ кг/га, $Mo-0,5$ кг/га), 5 ва 7 вариантда молибден ($Mo-0,5$ -кг/га) ғўза экинига тавсия этилган меъёрлар ҳисоби бўйича суперфосфат ўғитига қўшиб тайёрланди. Тадқиқотларда аниқланишича, ғўза ўсув даври мобайнида озика моддалар билан яхши таъминланиши $N_{200} K_{100}$ кг/га фонид таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) қўлланилганда бўлиб, ғўзани ўсиши, ривожланишига ижобий таъсир этади. Ғўзани кўсаклар очилиш (1.09) даврига келиб, $N_{200} K_{100}$ кг/га қўлланилган фонли 1-вариантда тажриба биринчи ва иккинчи йиллари кўсаклар сони 11,2 донани, очилгани 4,0 ва 3,8 доналарни ташкил этган бўлса, таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) қўлланилган 2 ва 3 вариантларда назорат вариантыга нисбатан кўсаклар сони тажриба биринчи йили 1,0-1,4 ҳамда иккинчи йили 1,6-2,3 доналарга ортган бўлса, таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) қўлланилган 4,5,6,7 вариантларда назорат вариантыга нисбатан кўсаклар сони биринчи йили 1,7-2,2 ҳамда иккинчи йили 2,1-2,5 доналарга, таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P_{140} кг/га) қўлланилган 2 ва 3 вариантларга нисбатан эса кўсаклар сони тажриба биринчи йили 0,3-1,2 ҳамда иккинчи йили 0,2-0,9 доналаргача ортгани аниқланди. Ғўзани ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этгани таркибида мис ва молибден микроэлементи бўлган суперфосфат ўғити азот ва калий ўғитлари билан биргаликда қўлланилганда бўлиб, ўсимлик озика моддаларни яхши ўзлаштирганини ғўза ўсув даври охирида ўсимлик таркибида тўпланган озика моддалар миқдори орқали кўришимиз мумкин (1-жадвал). Бунда умумий азот миқдори баргда (1,07-1,20 %), пахтада (2,10-2,16%), фосфор миқдори баргда (0,46-0,68%), пояда (0,38-0,59 %), пахтада (0,90-0,98%), калий миқдори баргда (1,95-2,25%), ғўза чаноғида (2,10-2,28%), пахтада (0,95-1,06%) кўпроқ тўпланганлиги аниқланди. $N_{200} K_{100}$ кг/га қўлланилган назорат вариантда (1) умумий азот, фосфор ва калий миқдори тегишли равишда баргда 1,07, 0,46; 1,95% ни, пояда 0,31; 0,38; ва 2,64% ни, чаноқда 0,58; 0,41; ва 2,10 % ни, илдиз таркибида 0,20, 0,40 ва 1,95% ни, пахтада 2,10; 0,90 ва 0,95% ни ташкил қилган бўлса, $N_{200} K_{100}$ кг/га фонид таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити қўлланилган 4,5, 6, 7 вариантларда баргда бу кўрсаткичлар ортиб, назорат вариантыга (1-вариант) нисбатан умумий азот миқдори 0,08-0,13 % га, фосфор миқдори 0,18-0,22 % га, калий миқдори 0,21-0,30 % га, пояда умумий азот миқдори 0,07-0,12 % га, фосфор

On the condition of old irrigated typical sierozem soils, applying phosphorus fertilizer ($P-140 \text{ kg ha}^{-1}$) which contained microelements (copper and molybdenum) with application rate of $N-200$, $K-100 \text{ kg ha}^{-1}$ positively affected at growth, development and nutrition of plants.

Микроэлементларни пахтачиликда меъёр ва қўллаш муддатларини ўрганиш, уларнинг аҳамиятини аниқлаш, ишлатиш масалаларини ҳал қилишда Е.К.Круглова(1984), М.А.Белоусов (1975), Б.М.Исаев(1979), А.А.Каримбердиева (2014), Қ.М.Мирзажонов (2014) ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўтказилган кўплаб тадқиқот ва тажрибаларда микроэлементлар тупроққа меъёрида солинганда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ижобий ўзгариши, пахта ҳосилдорлиги гектаридан 1,5-5 центнергача ошиши ҳамда ғўзанинг яхши ривожланиши учун бир килограмм тупроқда мис 0,4-0,8 мг; рух 1,5-2,5, марганец 80-100, бор 0,8-1,2, молибден 0,2-0,3 мг бўлиши аниқланган. Дастлабки текширишлар натижасида маълум бўлишича, республикада тупроқларида энг танқис микроэлементлар мис, рух, молибден, марганец ҳисобланади. Тупроқ таркибидаги мис ҳамда молибден кам бўлган экин майдонлари республикада ўртача 600 минг гектарни ташкил қилиб, бу ерлар асосан типик, оч тусли бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-аллювиал тупроқлар киради. Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш учун ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёдан таркибида микроэлементи бўлган (мис ва молибден) оддий суперфосфат ўғитини рационал технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда типик бўз тупроқ шароитида қўлланилганда тупроқда ва ўсимликдаги агрокимёвий хусусиятларини аниқлаш мақсадида дала тажрибаси ПСУЕАИТИ тажриба участкасини типик бўз тупроқ шароитида ўтказилди. Бу тупроқ қадимдан суғорилиб келинган бўлиб, механик таркиби ўрта кумоқли, ер ости сувлари чуқур (18-20 м) жойлашган. Типик бўз тупроқнинг дастлабки агрокимёвий тафсилоти бўйича хайдов (0-30см) ва остки (30-50см) қатламларида гумус (0,709 ва 0,665%), нитратли азот (2,16 ва 1,74 мг/кг), ҳаракатчан фосфор (10,7 ва 9,1 мг/кг) миқдорлари билан кам даражада ва алмашувчи калий (352,0 ва 316,4 мг/кг) миқдорлари билан юқори даражада таъминланганлиги аниқланди. Шунингдек, тупроқни хайдов қатламида мис ва молибденни умумий миқдорлари 26,5 ва 6,3 мг/кгни, ҳаракатчан шакллари 0,68 ва 0,15 мг/кгни ташкил этганлиги аниқланди. Дала тажрибасида қуйидаги минерал ўғитларни турлари қўлланилди: Аммиакли селитра ($N-33-34\%$), PS-Агро($N-4-5\%$, $P_2O_5-40\%$), оддий суперфосфат ($P_2O_5-11-14\%$), маҳаллий калий хлорид ($K_2O-60\%$). Фосфорли ўғитларни йиллик меъёрини 60-70%, калийни 50% кузги шудгор олдида, фосфорли ўғитларни қолган меъёрлари азотли ўғитлар билан биргаликда таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган ва бўлмаган суперфосфат ўғити ғўзани шоналаш (4 ва 5вар.) ва гуллаш даврида (2,3,6,7 вар.), калий ўғити шоналаш даврида солинди. Азотли ўғитлар 3-мартта ғўзани озиклантириш муддатларида – 2-3 чин барг, шоналаш ва гуллаш давларида солинди. Дала тажрибасида ғўзани Наврўз нави

36,5-36,2% ни, 1000 дона чигит вазни эса 130,5-131,5 г. ни ташкил қилди. Тажриба учинчи йил шароитида иккинчи теримда ҳам I-саноат навли тола олингани, йиллик об-ҳавони келиши ғўзани ўсиб ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатишини исботлайди.

Пахта толасининг нисбатан кўпроқ чиқиши (36,7,-35,0%) ОМЎ-II ўғити қўлланилганда кузатилди, лекин 1000 дона чигитни вазни бироз камайдики (124,5-125,0) бу табиий ҳолдир. Бунда толани узилиш кучи 4,7-4,5 г/с ни ташкил қилиб, қолган вариантларникидан фарқи бўлгани аниқланди.

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, пахта толасини технологик хусусиятларини ўзгаришига аввало йилни об-ҳавоси қолаверса қўлланилган агротадбирлар таъсир кўрсатади. ОМЎ-II ўғити қўлланилганда дала тажрибалари шароитларида ҳам пахта толасининг технологик кўрсаткичлари бироз яхшиланганлиги аниқландики, бу ўсимлик озикланиши учун мақбул шароит яратилганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мячина О.В., Далимова Д.А., Алиев А.Т., Яковлева И.А., Ким Р.Н., Мамасалиева Л.Э. Изменение содержания легкогидролизуемого азота в почве при внесении ОМУ из фосфоритов Центральных Кызылкумов // Актуальные проблемы химической переработки фосфоритов Центральных Кызылкумов (23 ноября 2006 г.). Материалы Республиканской научно-технической конференции. - Ташкент, 2006. - С. 124-126.
2. Номозов Ш.С., Имомова Х.Х., Шарипова Х.Т., Тиллабеков Б.Х., Ниязалиев Б., Сидикова Д., Яквалходжаева Г.С. Фосфоритно-компостные удобрения и их агрохимическая эффективность // Ғўза ва кузги бугдойнинг парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш. ЎзПИТИда Халқаро Атом Агентлиги (IAEA-МАГАТЭ) билан ҳамкорликда ўтказилган Халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Ташкент, 2003 й, 69-72б.

УЎТ: 633.51+631.816.1

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАРКИБИДА МИС ВА МОЛИБДЕН МИКРОЭЛЕМЕНТИ БЎЛГАН ФОСФОРЛИ ЎҒИТНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ

Б.И.Ниязалиев, *С.М. Таджиев, **Б.А. Тиллабеков

ПСУЕАИТИ, *УНКИ, **ТошДАУ (Тошкент)

В условиях староорошаемых типичных сероземов применение на фоне $N_{200}K_{100}$ кг/га фосфорных удобрений (P_{140} кг/га) содержащей микроэлементы (медь и молибден) улучшает рост, развитие и усвояемость питательных веществ (NPK) растений.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗИ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

“ДАЛА ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ
ЙЎНАЛИШЛАРИ”

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари
тўплами

(2016 йил, 15-16 декабрь)

2-ҚИСМ

Тошкент - 2016 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
МАРКАЗИ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(ПСУЕАИТИ)

**“ДАЛА ЭКИНЛАРИ
СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
ДОЛЗАРБ ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий
конференцияси материаллари тўплами
(2016 йил, 15-16 декабрь)

2-ҚИСМ

ТОШКЕНТ 2016

нилган 2 ва 3-вариантларда назорат вариантыга нисбатан 2015 йили кўсақлар сони 1,0–1,4 донага, 2016 йили 1,5–1,8 донага, 2017 йили 0,7–1,0 донага ортган бўлса, таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлланилган 4, 5, 6, 7-вариантларда назорат вариантыга нисбатан 2015 йили кўсақлар сони 1,7–2,2 донага, 2016 йили 2,0–2,4 донага, 2017 йили 1,1–1,4 донага ортиб, таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлланилган 2 ва 3-вариантларга нисбатан эса 2015 йили кўсақлар сони 0,3–1,2 донагача, 2016 йили 0,2–0,9 донагача, 2017 йили 0,2–0,7 донагача ортганлиги натижасида пахта ҳосилининг кўпайишига ижобий таъсир этди.

$N_{200}K_{100}$ кг/га қўлланилган фонли 1-вариантда ўртача уч йиллик пахта ҳосилининг ўртачаси 34,3 ц/га ташкил қилди. $N_{200}K_{100}$ кг/га фонда таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P–140 кг/га) солинган 4, 5, 6, 7-вариантларда эса уч йиллик пахта ҳосилининг ўртачаси 36,6–38,6 ц/га олиниб, назорат вариантыга нисбатан тегишли равишда 2,3–4,3 ц/га юқори бўлди. PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлланилган 2 ва

3-вариантларда уч йиллик пахта ҳосилининг ўртачаси 35,5–35,9 ц/га. ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан тегишли равишда 1,2–1,6 ц/га ортган бўлиб, таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) солинган 4, 5, 6, 7-вариантларга нисбатан эса пахта ҳосили 0,7–3,1 ц/га камайганлиги аниқланган.

Демак, эскидан сугорилган типик бўз тупроқлар шароитида $N_{200}K_{100}$ кг/га фонда таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган суперфосфат ўғити (P₁₄₀ кг/га) 100 кг/га. дан шудгорда ва 40 кг/га. дан ғўза шоналаш ёки гуллаш даврида қўлланилганда нисбатан юқори пахта ҳосили олиниб (38,6 ва 37,7 ц/га), сифатига ижобий таъсир этади.

Б. НИЯЗАЛИЕВ,
қ.х.ф.д.,

Х. ШЕРАЛИЕВ,
қ.х.ф.н., (ПСУЕАЙТИ),

Б. ТИЛЛАБЕКОВ,
магистр, (ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Белоусов М.А. Роль микроэлементов в корневом питании хлопчатника. Книга физиологической основы корневого питания хлопчатника. // Ташкент. "Фан". 1975. - с. 201–218.
2. Круглова Е.К. Методика определения доступных форм микроэлементов в карбонатных почвах и растениях. //Издательство Ташкент. "Фан" 1972. - 54 с.
3. Исаев Б.М. Физиологические и агрохимические основы питания хлопчатника микроэлементами. // Ташкент. 1979. - 260 с.
4. Алиева М.М., Круглова Е.К. К методике составления картограмм по микроэлементам на староорошаемых почвах УзССР. // Вопросы генезиса и плодородия почв Узбекистана. Сообщение 2-е. Труды ИПА АН УзССР, вып.18. Ташкент, 1979.
5. Пирохунов Т.П. Влияние молибдена на некоторые стороны обмена веществ и продуктивность хлопчатника при разных уровнях азотно-фосфорного питания. // Физиология и биохимия хлопчатника. Ташкент, 1972.

УЎТ: 631.5; 631.8; 633.111

Ғаллачилик

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА МАЪДАН ЎҒИТЛАР ВА СУҒОРИШ РЕЖИМИНИНГ ТАЪСИРИ

In the context of Kashkadarya region for obtaining high yield varieties of cereals along with the sowing period, the rules and terms of irrigation, fertilizer rates is crucial crop rotation with repeated cultures. This has a positive effect on the quality and quantity of fruit formation of the elements of the ear. Education fetal cells also hang on the genetic potential of varieties and by environmental conditions.

Дала шароитида бошоқдаги бошоқчалар сони 12–20 тагача ўзгариб туриши ёки 7–5 донага пасайиши мумкин. “Украинка” навида битта бошоқдаги бошоқчалар сони ҳатто 46 тага етган. Юмшоқ буғдой намуналарида бошоқ узунлиги 4–12 см, бошоқдаги бошоқчалар сони эса 12–31 тани ташкил этади [1, 3].

Бошоқдаги дон сонига қараб намуналар танланганидан бўлса, сермахсул намуналарни танлаб олиш имконияти анча ошади. Ҳосилни белгилашда энг муҳим кўрсаткич – бу бошоқдаги дон сони ҳисобланади. Бу белги ўсимликнинг биологияси, парваришлаш шарт-шароитларига боғлиқ.

Битта бошоқдаги дон сони 65–70 дондан кўп бўлган дурагайлар яратилган. 1000 дон дон вазни ёки бошоқдаги дон сони билан маҳсулдорлик ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик борлиги таъкидланган [2, 4].

Дала тажрибалари Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида ер-сув ва бошқа ресурслар тежамкорлигини таъминловчи такрорий экинлар ўрнига эрта ва мақбул муддатларда кузги буғдойнинг “Зимница”, “Яксарт”, “Ғозғон” навлари ҳосили ва дон сифати-га суғориш тартиби (ЧДНС 70-75-60 ва 75-80-70) ҳамда маъдан ўғитлар меъёри ($N_{100}P_{75}K_{50}$; $N_{180}P_{120}K_{90}$; $N_{250}P_{175}K_{125}$)

нинг таъсири ўрганилди.

Бошоқдаги бошоқчалар сони эрта муддатда экилган вариантларда суғориш ва ўғитлаш меъёрларининг ортиб боришига кўра, “Ғозғон” навида 13,9 дондан 16,7 донагача, “Зимница” навида 13,5 дондан 16,4 донагача, “Яксарт” навида 13,4 дондан 16,1 донагача кўтарилиб бориши кузатилди. Мақбул муддатда экилган вариантларда “Ғозғон” навида 13,6 дондан 16,6 донагача, “Зимница” навида 13,5 дондан 16,2 донагача, “Яксарт” навида 13,3 дондан 16 донагача кўтарилиб бориши кузатилди (жадвал).

Битта бошоқдаги бошоқчалар сони бўйича ўрта ҳисобда энг паст кўрсаткич мақбул муддатда экилиб, Фон-1 суғориш режимида (70-75-60) минерал ўғитлар $N_{100}P_{75}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилганда “Яксарт” навида 13,3 дон бўлган бўлса, энг юқори кўрсаткич эрта муддатда экилиб, Фон-2 суғориш режимида (75-80-70) бўлиб, минерал ўғитлар $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда қўлланилганда “Ғозғон” навида 16,7 дон бўлганлиги кузатилди.

Кузги буғдой бошоғидаги бошоқчалар сонига энг катта таъсир этувчи омил – бу ўғит меъёрларининг ошириб бориши билан боғлиқ бўлиб, ўғит меъёрини $N_{100}P_{75}K_{50}$

гоммоз касаллиги билан юқори даражада $F_5 BC_3S_1$ -1-6-3-15 x C-6524 дурагай баҳорда 22,4%, кузда 30,1% касалланганлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида дурагайларнинг (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошлилиги бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- $F_5 BC_3S_1$ -47-8-1-17 x C-6524 дурагай (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошли эканлиги аниқланди.

- Чигити таркибида (+) – госсипол миқдори юқори бўлган дурагайларга нисбатан (+) – госсипол паст бўлган дурагайларда гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касал-

лиги билан камроқ касалланганлиги кузатилди.

Т.РАХИМОВ,
муस्ताқил изланувчи,

Ш.НАМАЗОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

И.АМАНТУРДИЕВ,

муस्ताқил изланувчи,

Р.ЮЛДАШЕВА,

катта илмий ходим-изланувчи, (ПСУЕАИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳасанов.Б.О, Шамсиддинович.Х.А, Тожибоевич.Э.О. Ғўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент. "Университет" нашриёти. 2002. 202-203-бетлар.
2. Bailey, C. A., Stipanovic, R. D., Ziehr, M. S., Haq, A. U., Sattar, M., Kubena, L. F., Kim, H. L., Vieira, R. D. M. Cottonseed with a high (+)- to (-)-gossypol enantiomer ratio favorable to broiler production. 2000. J. Ag. Food Chem. 48:5692–5695.

УЎТ: 633.51+631.816.1

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ТАЙЁРЛАНГАН, ТАРКИБИДА МИКРОЭЛЕМЕНТИ БЎЛГАН СУПЕРФОСФАТ ЎҒИТИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

On the condition of old irrigated typical sierozem soils, applying phosphorus fertilizer (P-140 kg/ha-1) which contained microelements with application rate of $N_{200}K_{100}$ kg-ha-1 seed-lint yield of cotton increased from 0,23 to 0,43 t/ha-1.

Қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи тадбирлар мажмуида маъдан ва маҳаллий ўғитлар ҳамда микроэлементларни илмий асосда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолатда режаланган сифатли ҳосил олишга эришилади ва тупроқда озика унсурларининг мақбул мувозанати сақланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таркибида микроэлементлар (мис, молибден ва бошқа) бўлган саноат чиқиндилари (Ўзбекистон қаттиқ ва ўтга чидамли металллар комбинати) иккиламчи маҳсулотлари асосида мис ва молибден микроэлементли бойитилган фосфорли ўғит ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки барча турдаги тупроқларда микроэлементлар захираси камайиб бормоқда. Айниқса, мис ва молибден етишмайдиган майдон 600 минг гектарни, марганец кам бўлган тупроқлар 250–280 минг гектарни ташкил қилади. Бу ҳолатларни бартараф этишда тупроқни микроэлементлар билан бойитиб бориш керак.

Пахтачиликда микроэлементларни қўллашнинг меъёр ва муддатларини, уларнинг аҳамиятини аниқлаш борасида М.А.Белоусов [1], Е.К.Круглова [2], Б.М.Исаев [3], Алиева М.М. [4], Пирахунов Т.П. [5], Қ.М.Мирзажонов [6], А.Санақулов ва Ф.Хошимов [7] ҳамда бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўтказилган қўллаб тадқиқот ва тажрибаларда микроэлементлар тупроққа мақбул меъёрда солинганда ғўзанинги ўсиб-ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, пахта ҳосили гектаридан 1,5–5 центнергача ошганлиги аниқланган. Таъкидлаш жоизки, бу тадқиқотларда микроўғитлар алоҳида, минерал ўғитларга аралаштирилган ҳолда қўлланилган. Ҳозирда микроўғитларни самарали ишлатиш учун таркибида микроэлементлар (мис, молибден ва бошқа) бўлган фосфорли ўғит ғўзада қўлланилганда тупроқ ва ўсимликнинг агрокимёвий хусусиятларига ҳамда пахта ҳосилига таъсирини аниқлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур масалани ҳал этишда дала тажрибаси (ПСУЕАИТИ тажриба участкаси) типик бўз тупроқ шароитида 2015–2017 йилларда ўтказилди. Тупроқнинг механик таркиби ўрта қумоқли, ерости сувлари чуқур (18–20 м) жойлашган. Типик бўз тупроқнинг дастлабки агрокимёвий

тафсилоти бўйича ҳайдов (0–30 см) ва ҳайдов ости (30–50 см) қатламларида гумус миқдори тегишли равишда 0,709 ва 0,665%, умумий азот 0,065–0,057%, фосфор 0,080–0,065 фоизни ташкил этиб, нитратли азот (18,1 ва 7,7 мг/кг), ҳаракатчан фосфор (20,7 ва 9,1 мг/кг) миқдорлари билан кам даражада ва алмашинувчи калий (352,0 ва 216,4 мг/кг) миқдорлари билан юқори даражада таъминланганлиги аниқланган. Шунингдек, тупроқнинг ҳайдов қатламида мис ва молибденнинг умумий миқдорлари мутаносиб равишда 26,5 ва 6,3 мг/кг. ни, ҳаракатчан шакллари 0,68 ва 0,15 мг/кг. ни ташкил этганлиги аниқланган. Дала тажрибасида қуйидаги минерал ўғитларнинг турлари қўлланилди: Аммиакли селитра (N – 33–34%), PS-Агро (N – 4–5%, P_2O_5 – 40%), оддий суперфосфат (P_2O_5 – 14–18%), маҳаллий калий хлорид (K – 20–60%). Фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60–70, калийни 50 фоизи кузги шудгор олдиан, фосфорли ўғитларнинг қолган меъёрлари азотли ўғитлар билан биргаликда таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган ва бўлмаган суперфосфат ўғити ғўза шоналаш (4 ва 5-вар.) ва гуллаш даврида (2, 3, 6, 7-вар.), калий ўғити шоналаш даврида солинган. Азотли ўғитлар 3-март ғўзани озиқлантиришда – 2–3 чинбарг, шоналаш ва гуллаш даврларида солинган. Дала тажрибасида ғўзанинги “Наврўз” нави экилган. Тажриба 7 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда олиб борилган ҳамда 4 ва 6-вариантда P_2O_5 – оддий суперфосфат ўғитига мис ва молибден (Cu – 1–2 кг/га, Mo – 0,5 кг/га), 5 ва 7-вариантда молибден (Mo – 0,5 кг/га) ғўзага тавсия этилган меъёрлар ҳисоби бўйича суперфосфат ўғитига қўшиб тайёрланган. Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, ғўза ўсув даври мобайнида озика моддалар билан яхши таъминланиши $N_{200}K_{100}$ кг/га фониди таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлланилганда бўлиб, ғўзанинги ўсиб-ривожланиши, ҳосил шохлари ва унсурларнинг ҳосил бўлишига таъсир этди. Ғўза ўсиб-ривожланиш даврининг кўсаклар очилиш (1.09) вақтига келиб, $N_{200}K_{100}$ кг/га қўлланилган 1-вариантда 2015 йили кўсаклар сони 11,2 дона, 2016 йили 11,3 ва 2017 йили 11,2 донани ташкил этди. Таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлла-

гоммоз касаллиги билан юқори даражада $F_5 BC_3S_1$ -1-6-3-15 x C-6524 дурагай баҳорда 22,4%, кузда 30,1% касалланганлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида дурагайларнинг (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошлилиги бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- $F_5 BC_3S_1$ -47-8-1-17 x C-6524 дурагай (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошли эканлиги аниқланди.

- Чигити таркибида (+) – госсипол миқдори юқори бўлган дурагайларга нисбатан (+) – госсипол паст бўлган дурагайларда гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касал-

лиги билан камроқ касалланганлиги кузатилди.

Т.РАХИМОВ,
мустақил изланувчи,

Ш.НАМАЗОВ,

к.х.ф.д., профессор,

И.АМАНТУРДИЕВ,

мустақил изланувчи,

Р.ЮЛДАШЕВА,

катта илмий ходим-изланувчи, (ПСУЕАИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳасанов.Б.О, Шамсиддинович.Х.А, Тожибоевич.Э.О. Ғўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент. "Университет" нашриёти. 2002. 202-203-бетлар.
2. Bailey, C. A., Stipanovic, R. D., Ziehr, M. S., Haq, A. U., Sattar, M., Kubena, L. F., Kim, H. L., Vieira, R. D. M. Cottonseed with a high (+)- to (-)-gossypol enantiomer ratio favorable to broiler production. 2000. J. Ag. Food Chem. 48:5692–5695.

УЎТ: 633.51+631.816.1

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ТАЙЁРЛАНГАН, ТАРКИБИДА МИКРОЭЛЕМЕНТИ БЎЛГАН СУПЕРФОСФАТ ЎҒИТИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

On the condition of old irrigated typical sierozem soils, applying phosphorus fertilizer (P-140 kg/ha-1) which contained microelements with application rate of $N_{200}K_{100}$ kg-ha-1 seed-lint yield of cotton increased from 0,23 to 0,43 t/ha-1.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи тадбирлар мажмуида маъдан ва маҳаллий ўғитлар ҳамда микроэлементларни илмий асосда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолатда режаланган сифатли ҳосил олишга эришилади ва тупроқда озика унсурларининг мақбул мувозанати сақланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таркибида микроэлементлар (мис, молибден ва бошқа) бўлган саноат чиқиндилари (Ўзбекистон қаттиқ ва ўтга чидамли металллар комбинати) иккиламчи маҳсулотлари асосида мис ва молибден микроэлементли бойитилган фосфорли ўғит ишлаб чиқаришнинг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки барча турдаги тупроқларда микроэлементлар захираси камайиб бормоқда. Айниқса, мис ва молибден етишмайдиган майдон 600 минг гектарни, марганец кам бўлган тупроқлар 250–280 минг гектарни ташкил қилади. Бу ҳолатларни бартараф этишда тупроқни микроэлементлар билан бойитиб бориш керак.

Пахтачиликда микроэлементларни қўллашнинг меъёр ва муддатларини, уларнинг аҳамиятини аниқлаш борасида М.А.Белоусов [1], Е.К.Круглова [2], Б.М.Исаев [3], Алиева М.М. [4], Пирахунов Т.П. [5], Қ.М.Мирзажонов [6], А.Санақулов ва Ф.Хошимов [7] ҳамда бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўтказилган қўллаб тадқиқот ва тажрибаларда микроэлементлар тупроққа мақбул меъёрда солинганда ғўзаниннг ўсиб-ривожланишида ижобий ўзгаришлар кузатилиб, пахта ҳосили гектаридан 1,5–5 центнергача ошганлиги аниқланган. Таъкидлаш жоизки, бу тадқиқотларда микроўғитлар алоҳида, минерал ўғитларга аралаштирилган ҳолда қўлланилган. Ҳозирда микроўғитларни самарали ишлатиш учун таркибида микроэлементлар (мис, молибден ва бошқа) бўлган фосфорли ўғит ғўзада қўлланилганда тупроқ ва ўсимликнинг агрокимёвий хусусиятларига ҳамда пахта ҳосилига таъсирини аниқлаш борасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур масалани ҳал этишда дала тажрибаси (ПСУЕАИТИ тажриба участкаси) типик бўз тупроқ шароитида 2015–2017 йилларда ўтказилди. Тупроқнинг механик таркиби ўрта қумоқли, ерости сувлари чуқур (18–20 м) жойлашган. Типик бўз тупроқнинг дастлабки агрокимёвий

тафсилоти бўйича ҳайдов (0–30 см) ва ҳайдов ости (30–50 см) қатламларида гумус миқдори тегишли равишда 0,709 ва 0,665%, умумий азот 0,065–0,057%, фосфор 0,080–0,065 фоизни ташкил этиб, нитратли азот (18,1 ва 7,7 мг/кг), ҳаракатчан фосфор (20,7 ва 9,1 мг/кг) миқдорлари билан кам даражада ва алмашинувчи калий (352,0 ва 216,4 мг/кг) миқдорлари билан юқори даражада таъминланганлиги аниқланган. Шунингдек, тупроқнинг ҳайдов қатламида мис ва молибденнинг умумий миқдорлари мутаносиб равишда 26,5 ва 6,3 мг/кг ни, ҳаракатчан шакллари 0,68 ва 0,15 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган. Дала тажрибасида қуйидаги минерал ўғитларнинг турлари қўлланилди: Аммиакли селитра (N – 33–34%), PS-Агро (N – 4–5%, P_2O_5 – 40%), оддий суперфосфат (P_2O_5 – 14–18%), маҳаллий калий хлорид (K – 20–60%). Фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60–70, калийни 50 фоизи кузги шудгор олдида, фосфорли ўғитларнинг қолган меъёрлари азотли ўғитлар билан биргаликда таркибида мис ва молибден микроэлементлари бўлган ва бўлмаган суперфосфат ўғити ғўза шоналаш (4 ва 5-вар.) ва гуллаш даврида (2, 3, 6, 7-вар.), калий ўғити шоналаш даврида солинган. Азотли ўғитлар 3-март ғўзани озиклантиришда – 2–3 чинбарг, шоналаш ва гуллаш давларида солинган. Дала тажрибасида ғўзаниннг “Наврўз” нави экилган. Тажриба 7 та вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда олиб борилган ҳамда 4 ва 6-вариантда P_2O_5 – оддий суперфосфат ўғитига мис ва молибден (Cu – 1–2 кг/га, Mo – 0,5 кг/га), 5 ва 7-вариантда молибден (Mo – 0,5 кг/га) ғўзага тавсия этилган меъёрлар ҳисоби бўйича суперфосфат ўғитига қўшиб тайёрланган. Олиб борилган изланиш натижаларига кўра, ғўза ўсув даври мобайнида озика моддалар билан яхши таъминланиши $N_{200}K_{100}$ кг/га фониди таркибида мис ва молибден бўлган суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлланилганда бўлиб, ғўзаниннг ўсиб-ривожланиши, ҳосил шохлари ва унсурларнинг ҳосил бўлишига таъсир этди. Ғўза ўсиб-ривожланиш даврининг кўсақлар очилиш (1.09) вақтига келиб, $N_{200}K_{100}$ кг/га қўлланилган 1-вариантда 2015 йили кўсақлар сони 11,2 дона, 2016 йили 11,3 ва 2017 йили 11,2 донани ташкил этди. Таркибида мис ва молибден бўлмаган PS-Агро ва суперфосфат ўғити (P – 140 кг/га) қўлла-